O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON HALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2000 ЙИЛ
27 ЯНВАРЬ,
ПАЙШАНБА

№ 12 (25.562).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

МДҲ: БУРИЛИШ БОСҚИЧИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-25 январь кунлари Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

25 январь куни эрталаб Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.



Шу куни саммит иштирокчиларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ЕХҲТнинг ўтган йил ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган саммити якунлари доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш чоратадбирлари, Давлат раҳбарлари кенгаши раисини сайлашга оид ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Расмий делегациялар иштирокида ўтказилган ялпи мажлисда Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путин Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Ҳамдўстликнинг ижроия қўмитаси ҳамда иқтисодий кенгаши фаолиятига доир ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисдан кейин президентлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Саммит иштирокчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲнинг бундан буёнги ривожи ва бунда Россиянинг ўрни масаласига тўхталар экан, Ҳамдўстлик бурилиш босқичида турган ҳозирги пайтда унинг етакчилари энг принципиал қарор қабул қилгани — В. Путинни Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайлаганини таъкидлади. Бу, деди мамлакатимиз раҳбари, МДҲнинг келажагига катта ишонч уйғотади. МДҲнинг тақдири, асосан, аъзо мамлакатларни боғлаб турувчи асосий омил бўлган Россияга боғлиқ. Шунингдек, Ислом Каримов В. Путиннинг номзодини МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши раислигига қўллаб-қувватлаш билан Ўзбекистон уни Россия президенти сифатида кўриш истагида эканлигини таъкидлади.

Шу билан Москва учрашуви ўз ишини якунлади. МДҲнинг навбатдаги саммитини шу йил апрель ойида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

■ (ЎзА)

Суратда: *учрашув пайти.* Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

МЎЪЖАЗГИНА ХИТОЙ «УЙЧАСИ»

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг хитой гуруҳи талабалари кўнгилларга қувонч, дилларга шодлик ҳадя этувчи йиғиннинг гувоҳи бўлди. Улар Хитой Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Хэ Чун Шэн билан учрашишди.

— Маълумки, Хитой ва Ўзбекистон алоқалари ҳар томонлама кундан-кунга ривожланиб бормоқда, бизнинг учрашувимиз ана шу дўстликни янада мустаҳкамлайди, деб умид қиламан,— деди Хэ Чун Шэн жаноблари.

Шунингдек, у гуруҳ талабаларига элчихона томонидан 2000 долларлик дарсликлар, телевизор, видеомагнитафон каби совғалар ҳадя этди.

■ Нилуфар ҲАМИДОВА

ЙИЛ ОЙ КУН

100000 СЎМЛИК СОВҒА-САЛОМ ВА 18 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ

Самарқанд вилоятининг Нуробод шаҳрида 2000 йилда биринчи бўлиб туғилган болага туман ҳокимлиги ҳамда Жанубий кон бошқармаси шундай меҳр-мурувват кўрсатди. Яхши ниятлар қуршовида дунёга келган гўдакка эзгу умидлар ила Ислом, деб исм қўйишди.

Исломжонни мустақил ҳаёт чегараси — 18 ёшга тўлгунча Жанубий кон бошқармаси ўз ҳомийлигига олди. Улар энди унинг ҳаётда муносиб ўрнини топишга ҳар томонлама кўмак беришади. Чақалоқнинг ота-онаси — Наргиза ва Олим Ҳамроевларнинг кайфияти аъло!

■ Феруза ТОШМАТОВА

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Эртага Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг 1/4 финалида иштирок этиш мақсадида майдонга тушадилар. В. Жалилов бошчилигида футболчиларимиз бу масъулиятли учрашувга пухта ҳозирлик кўришган. Сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Ахил» клуби билан бўладиган бу учрашувда юртдошларимизга омад кулиб боқса Осиё кубоги учун курашда яна олдинга бир қадам ташлаган бўламиз. Жавоб учрашув эса 11 февраль кунига мўлжалланган.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

ҲАЙДОВЧИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛМАНГ

Ҳайдовчига зарурат бўлмаса қўнғироқ қилманг. Йўқса, ҳалокат сабабчиси бўласиз. Балки, «ҳайдовчига ким ҳам қўнғироқ қиларди?», дерсиз. Гап уяли телефон аппаратидан фойдаланувчилар ҳақида кетяпти. Мана, ҳозир уяли телефон алоқаси русум бўлган. Рости, жонга аро, узоқ — яқин. Нима етсин бунга.

Бир кун қизиқ воқеа бўлди. Вақт алламаҳал бўп қолувди. Машина тўхтатишга тўғри келди. Ёшгина ҳайдовчи йигит сўзамол экан. Манзилга еттунимизча дамба-дам уяли телефони жиринглайди. Навбатдаги светофорга келдик. Йигитга кимдир қўнғироқ қилиб қолди, машина энди жилувди, яна шартта жуганисувлиги тортилган отдай «пишқириб» тўхтади.

Шу пайт орқадан нимадир қарс урилди. Бир қалқиб, олдга мункиб ойнадан учиб чиққудай бошим билан ойнага урилдим. Ҳайдовчи рулга қапишиб қолди. Қўлида «уяли»си «алло, алло»лаб ётибди.

Бир зумда қий-чув бўп кетди. Ранги бўздай оқарган орқадаги машина ҳайдовчиси югургилаб келди: «Соғмисизлар?»

Шу-шу таксига ўтирсам, телефонига эътибор қиладиган бўлдим. Яқинда қизиқ хабарни ўқидим. 2000 йилнинг 1 январидан Германияда рулдагиларга уяли алоқадан фойдаланиш маън этилиб, 60 немис маркаси жарима белгиланибди. Буни олдинига «тарақ-қиётга тўғаноқ», деб тушундим. Яна Европада-я? Немисларгина эмас, бошқа мамлакат ҳайдовчилари ҳам бундай имкониятдан маҳрум экан. Австрия, Дания, Польша ва Швейцария кўчаларидаям ҳайдовчига қўнғироқ қилишмас экан. Улар рулга ўтирган ҳамони «уяли»ни ўчириб қўйишаркан.

Бир чеккаси улар ҳақ-да. Ўша тундаги тўқнашувдан кейин шундай фикрлайдиган бўлдим.

■ Саида САЙХУН

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Индонезия Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан Сизга ғоят қизғин ва самимий қутловлар йўллайман.

Мана шу юксак ва масъулиятли лавозимга қайта сайланишингиз ўз мамлакатингизга қилаётган буюк хизматларингизни равшан намойиш этади. Ишончим комилки, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида қарор топган икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик Сизнинг раҳбарлигингиз остида бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни ва Президент лавозимидаги вазифаларингизни муваффақиятли бажаришингизни истаб билдирган тилакларимни қабул қилгайсиз.

■ К. Х. Абдураҳмон ВОҲИД,
Индонезия Республикаси Президенти

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан табриклайман.

Сиз, Жаноби Олийлари Президентлигингизнинг янги муддати давомида икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқалари янада кенгаяди ва мамлакатларимиз халқларининг янада яқинлашиши учун зарур шарт-шароит яратилади, дея умид қиламан.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига равнақ ва шодлик-ҳуррамлик тилаб қоламан.

■ Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайтадан сайланганингиз муносабати билан ўз табрикларимизни йўллаш бизга мамнуният бахш этади. Сизга мамлакатингиз олдида турган мақсад ва истакларни амалга оширишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона алоқалар халқларимиз манфаати йўлида янада ривожлана боришига ишончимизни билдирамиз.

■ Қобус бин САИД,
Уммон Султони

ҚАЛБ ҚУЁШГА ИНТИЛАР

Пойтахтда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ва унда Президентимиз томонидан айтилган: «Мен ҳаётимни сизларсиз асло тасаввур қилолмайман. Сизларнинг тақдирингиз — менинг тақдирим. Сизларнинг бахтингиз — бу менинг бахтимдир», деган сўзлар юраклардаги ҳайиқишни парчалаб юборди. Эртанги кунга озгина шубҳа билан қараш, тарих такрорланиб қолишидан қўрқув бу аждодларимизнинг армонли умрлари ила биз авлодларга ҳам ўтиб қолган. — Тўхта болам, шошилмагин, ҳали эртага нима бўлади, дегувчилар бор. Мен уларга қараб, бир сўз айтишга, йўқ-йўқ ҳайқиришга қарор қилдим. Кўзларингни оч замондошим, биз ҳурлик Ватанида яшамоқдамиз. Кечагина сессия минбаридан туриб юртбошимиз мана шундай сўзлар билан қасамёд қилдилар: Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга танали қасамёд қиламан.

Телевизорга нигоҳи қотиб қолган отамнинг кўзларига ёш келди. Эй болам, озод юртни, юртбошини қадрига етинглар. Истиқлол сизлар учун осонликча келиб қолгандай туйилади. Менинг бобо мулла Эл илмли бўлганлиги учун қатағон қилинди. Ҳали ҳам қабри қаерда эканлигини билмаймиз. Отам бир умр Оллоҳга ибодатларини ҳаммадан сир тутдилар. Қандай замонлар, қандай раҳбарларни кўрдик. Бугун Президент кафолат бермоқда, сенинг ҳуқуқинг ва эркинликларингга. Мен кўзларимга ишонмайман. Ва ҳамиша дуо қиламан юртимизга, юртбошимизга кўз тегмасин.

Бугун миллат учун энг масъулиятли дамлар. Эртанинг қандай бўлиши, бугуннинг энг муҳим мавзуси бўлмоғи зарур. Мамлакат Президенти ҳақли равишда айтганидек, «Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор». Бу янги асрдаги, миллатнинг қиёфаси. Бу комил инсонга қўйиладиган талаб. Бу истеъдод қирраларининг кўринишлари. Биз бугун мана шу тамойилларга эришмоқ йўлида қайғурмоғимиз зарур.

Бугун мамлакат Президенти олий минбардан туриб, биз журналистларга қарата юксак, шу билан бирга курашчан, уйғоқ, илҳом бағишловчи бир сўзни айтди. Жамиятда адолатнинг тантанаси, фикрлар ва қарашларга кенг йўл очмоқ учун бир сўз деди: «Бунда мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак». Бу сўзлар бугун ҳам журналистга тўғраларча муносабатда бўлаётган, унинг шаънига туҳмат-бўхтон ёғдираётган маҳаллий раҳбарларни ҳушёр торттиради, деб умид қиламан. Сиз ўз кирдикорларингизни журналист нигоҳидан яширишга уринманг, барибир халқнинг нигоҳидан яширолмайсиз. Президент айтган сўзлар бир журналист сифатида, менинг юрагимда ётган оғриқларимни оловлантирди.

Ўзбек шеъриятининг паҳлавони Ғафур Ғулом ҳазратлари айтган мана бу сатрлар бугунга қанчалар ҳамоҳанг. Демак, шоҳ асарлар умри боқий. Улар тарихнинг минг бир синовларидан ўтиб яшаб келмоқда:

Азиз асримизнинг,
азиз онлари,
Азиз одамлардан
сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир,
шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир
умр дафтарин.

Назаримда, бугун шуни англаб етмоғимиз керакки, «Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир». Президентимиз айтган бу пурмаъно сўзлар барчамизга янги XXI асрда ҳам ҳамроҳ бўлсин.

Қалб қуёшга, эзгуликка, юртбошимизнинг чин дилдан айтган самимий сўзлари томон талпинади.

■ Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! КИМКИ ГАЗЕТАМИЗГА 2000 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИБ, ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРСА-Ю, АММО ШУ КЕЗГАЧА ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ОЛОЛМАЁТГАН БЎЛСА, ЗУДЛИК БИЛАН БИЗГА ЁЗИБ ЮБОРИШИНГИЗНИ ЁКИ 133-73-43 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!

XXI АСР ҚАНОТЛАРИ

ПАРВОЗ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — САККИЗ ЁШДА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ривожини улкан замонавий кеманинг парвозига қиёслаш мумкин: парвоз йўлагида қисқа тўхташ, кучли тезлик олиш, кўтарилиш ва юксакликка парвоз... 1992 йилнинг 28 январида авиакомпанияга асос солингач, самолёт паркини кенгайтириш, янги йўналишларни очиш, хўжаликни қайтадан реконструкция қилиш ҳисобига ривожланиш йўлига ўтилди.

— Бунда мавжуд инфратузилмани, аввало самолёт паркини модернизациялаш бўйича кўрилган тадбирлар ўзининг самара таъсирини кўрсатди, — деди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бош директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Арслон Рўзметов. — Минтақаларо авиайўналишларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» биринчилардан бўлиб тошкентлик авиасозлар томонидан бунёд этилган «Ил-114» самолётидан фойдаланишга киришди. Энг замонавий самолётлардан фойдаланиш жаҳон даражасидаги сервис хизмати кўрсатишга, Европа, Осиё ва Американинг йирик шаҳарларига мунтазам қатновларни очишга имкон берди. Олис хорижнинг 20 дан ортиқ мамлакатига ва МДҲнинг кўпгина йўналишлари бўйича узлуксиз қатновлар амалга оширилянти. Республикадан ташқарида МАКнинг салкам 40 та ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир, охирги йилларда йўловчилар ва юклар ташиш ҳажмлари ошди. Чунончи 1999 йилда 1 млн. 708 минг йўловчи ва 36,2 минг тонна юк ташилди. Натижада биринчи ярмида 1998 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан йўловчилар ташиш 19,6 фоизга, юкларни ташиш эса 29 фоизга ўсди.

Ҳаво флоти ривожланиши билан бир вақтнинг ўзида компания хўжалиги ҳам ривожланиб бормоқда. Франция, Япония, Германиянинг кредитларидан оқилона фойдаланиш ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини модернизациялашга, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини реконструкциялашга имкон берди. Улар халқаро аэропорт мақомини олди. Аэровокзалларда рўйхатдан ўтиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини жаҳон андозаларига мослашни таъминловчи асбоб-ускуналар, электрон табло ўрнатилди. Ушбу аэропортлардаги янги учиш-қўниш йўлаклари ва терминаллар энди ҳар қандай русумли самолётларни қабул қилишга қодир, шу ернинг ўзидан «А-310»да Москвага мунтазам қатновлар бажарилмоқда. Россиянинг бошқа баъзи шаҳарлари билан ҳаво алоқалари яна бошлаб юборилди, чартер дастурлари бўйича парвозлар бажарилмоқда, республиканинг бошқа аэропортлари ҳам ободонлаштирилмоқда.

Ўзбек мутахассисларининг Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хорижий технологияларни ўзлаштирганлиги муҳим қадамдир. АҚШ, Европа ва Россиядаги ўқувдан сўнг ўзбекистонлик муҳандис ва техниклар «А-310», «RJ-85», «Б-767» русумли ҳаво «С—Cbeck» ҳажмида линиявий ва базавий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини олдилар. Мазкур ишлар маҳаллий паркда амалга оширилди. Айни кезда Ғарб самолётларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ таъмирлаш ва технологик жараёнларнинг янада мураккаб шакллари ўзлаштириб борилмоқда. Бу эса наинки валюта маблағларини тежаш, балки хорижий авиация техникасига хизмат кўрсатиш бўйича халқаро хизматлар бозорига кириш имкониятини ҳам беради. МАКнинг Авиация-техник мажмуи ва 243-авиатаъмирлаш заводи негизида ташкил этилган Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказида илк бор «Ми-8» вертолётларини таъмирлашга киришилди.

Ўзбекистон осмонида ўнлаб ҳаво йўллари кесишади. Бу ердан Европани Жануби-Шарқий Осиё, Янги Зеландия ва Австралия билан боғловчи трансосиё йўллари ўтади. Жаҳондаги 80 авиакомпаниянинг кемалари осмонимиздан кунига фойдаланмоқда. Парвозларга хизмат кўрсатиш ва мувофиқлаштириш, Ўзбекистон фазосидан фойдаланишни назорат этиш ва тартиб учун Тошкентда ҳаво ҳаракатини бошқариш маркази тузилган. Ҳар бир авиакомпания фаолиятида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади. Бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МДҲда энг яхшиларидан саналади. Ўзбекистон ИКАОнинг, авиакомпания эса Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармасининг аъзосидир. Бу эса давлат даражасида парвозлар хавфсизлиги учун унинг зиммасига юксак масъулиятни юклайди. Дастлабки беш йилдаги фаолияти натижаларига кўра авиакомпаниянинг авариясиз узоқ вақт мобайнида ишлаганлиги ва авиация техникасидан кўпроқ фойдаланган ҳолда янги технологияларни жорий этганлиги учун Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармасининг махсус дипломига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Жаҳон авиация бизнесида «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг обрў-эътибори ошиб бораётир. 70 дан ортиқ авиакорхона ва компаниялар билан ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланган. Миллий авиакомпания АҚШ ҳудуди узра, яъни «бешинчи озодлик» ҳуқуқини олган МДҲдаги саноқли авиакомпаниялардан биридир. Маълумки, бундай рухсатлар америкаликлар томонидан ўз ишининг ҳақиқий профессионаллари деб эътироф этилганларгагина берилади. Сервис хизмат кўрсатиш даражаси авиакомпания раҳбариятининг алоҳида назоратида.

Ҳозир авиакомпанияда ташкилий тузилмаларни ислоҳ қилиш бўйича фаол иш олиб борилаяпти. Хўжалик юритишнинг янги шакллари, бозор муносабатлари шартшароитлари шуни тақозо этмоқда. Парвозлар хавфсизлигини ва авиатранспорт ишлаб чиқаришини барқарор бошқаришни таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда муайян ҳажмларни изчил, босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқаришнинг мажмуи ишлаб чиқилди.

1999 йилнинг иккинчи ярмида авиакомпания иккита «Боинг-757-200»ни харид этди. Битимни молиялаштириш молиявий лизинг схемаси бўйича 12 йил муддат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати остида ўтди. «Боинг» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» амалий алоқаларни олиб бораётган ягона фирма эмас. Ғарбда ишлаб чиқарилган биринчи самолёт «А-310» 1993 йилдаёқ «Эрбас индастри» консорциумидан харид этилганди. Бугунга келиб МАКнинг авиаташувлар ҳужжатлари турли мамлакатларнинг 55 дан ортиқ авиакомпаниялари томонидан эътироф этилган, улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузилган. Американинг «Трансуорлд эйрлайнз», Руминиянинг «Таром А.С», «Чех авиалиниялари» ва бошқалар шулар жумласидандир. Мамлакат фуқаро авиациясининг ривожига 1 миллиарддан ортиқ доллар инвестиция қилинган. МДҲ мамлакатлари бозорида мавқеини мустаҳкамлаш миллий авиакомпания фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда, Россиянинг йирик авиаташувчилари — «Аэрофлот», «Трансаэро» билан ўзаро манфаатли альянслар тузилмоқда, «Пулково» авиакомпанияси билан ҳамкорликнинг кенгайтирилган дастури ишлаб чиқилди, «Украина авиалиниялари» билан биргаликда фойдаланиладиган Тошкент — Киев — Нью-Йорк авиайўналиши очилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг «Сибирь» авиакомпанияси билан имзолаган шартнома кучга кирди. Яқинда «Балкан» авиакомпанияси билан имзоланган шартнома эса 2000 йилда миллий авиакомпаниянинг София орқали Нью-Йоркка қатновларни бажаришга имкон беради. Россия минтақалари учун Тошкент қулай транзит жой ҳисобланади. Айниқса, бу Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига парвозлар учун мақбулдир.

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» халқаро фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасида саъй-ҳаракат қилади, — деб таъкидлади А. Рўзметов. Авиакомпания турли халқаро сайёҳлик ярмаркаларида қатнашяпти. Буни энг аввало тижорат мақсадлари тақозо қилмоқда. Ўзбекистон энг бой сайёҳлик имкониятига эга. Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива тарихий шаҳар-музейлар бутун оламга машҳур. Ҳозир ана шу шаҳарларда сайёҳларга юксак даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида тузилган битимга мувофиқ миллий авиакомпания Япония томонидан ушбу шаҳарлардаги аэропортларни реконструкция этиш учун 15 млрд. йен миқдорида мақсадли кредитни олди.

Миллий авиакомпаниянинг Берлин, Сеул, Салоники, Лондон, Москва, Франкфуртдаги сайёҳлик ярмаркаларида иштироки самарали бўлмоқда. Хориждаги ваколатхоналарида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» тақдимотларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Уларга элчихоналар, сайёҳлик фирмалари, авиакомпаниялар ва агентликлар вакиллари таклиф этилмоқдалар. МАК анъанавий «Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» Тошкент халқаро ярмаркасининг расмий ҳомийси ва доимий ташувчиси ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг истиқболи порлоқ. Янги «Боинг-757» самолётлари олинганидан сўнг Европанинг янги шаҳарларига — Манчестер, Рим ёки Миланга, Каналанинг Торонто ёки Ванкувер шаҳарига қатновларни очиш масалалари ҳал этилади.

Қисқа қилиб айтганда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси давлатимизнинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**
«Ўзбекистон овози» мухбири

УН СЕРОБ, ДАСТУРХОН ТЎКИН

«Жиззах ун» жамоа корхонаси вилоят меҳнаткашларининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида ҳаракат қилмоқдалар. Корхона 1999 йилда вилоят деҳқонларидан 31 минг тонна сара дон қабул қилиб олди. Натижада саноатчилар барча кўрсаткичлар бўйича йиллик режаларни муддатидан бир ой олдин адо этдилар. Шу даврда 1800 тонна ун, 6000 тонна омухта ем ишлаб чиқарилди. Жамоа қўлга киритган соф фойда 21 миллион 961 минг сўмни ташкил этди.

— Жамоамиз бир кеча-кундузда 57 тонна буғдойни қайта ишлаб, сифатли ун тайёрлаяпти, — дейди «Жиззах ун» жамоа корхонаси бош муҳандиси Умарқул Омонов. — Корхонамиз қошида ташкил этилган нон ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган оби нон, буханка, турли ҳажмдаги кулчалар харидорларга ўзининг сифати билан манзур бўлмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг аҳиллик билан ишлаётганлиги туфайли йилни 25 миллион сўм фойда билан якунладик.

■ **Абдусаттор СОДИҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛДИ

«Қашқадарёмармар» акциядорлик жамияти мармар цехида Италия ускуналарини қўллаш ҳисобига маҳсулот сифати ошиб, буюртмачилар сони ҳам кўпайди.

Ҳозир жамиятда 2000 йилнинг ярмига етадиган миқдорда буюртмалар қабул қилинди. Жамиятда мармар қазиб олиш ва кесиш давом этмоқда. Шунинг учун ҳам 1999 йилда 145 миллион сўмлик, олдинги йилга нисбатан 50 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Янги технологиялар ҳисобига эса 14 та янги иш ўринлари яратилди.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

Бахмал олмалари

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

РОССИЯГА ТАШРИФ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан бугун куни икки кунлик амалий ташриф билан Москвага келади. Россия ташқи ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, К. Аннан ташриф давомида Россия раҳбарлари билан учрашади ва БМТнинг халқаро майдондаги фаолиятини янада ошириш, хусусан, ташкилот раҳнамолигида фавқулодда вазиятлар халқаро агентлигига асос солиш каби масалалар юзасидан фикр алмашади. Шунингдек, учрашувларда Чечнистон масаласи ҳам муҳокама этилиши кутилмоқда.

УЧУВЧИ ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙМАГАН

Мисрнинг «Ижипт эйр» ҳаво йўллари компанияси раҳбари Муҳаммад Фаҳим Райан АҚШ мутахассисларининг «Боинг-767» самолёти учувчининг айби билан ҳалокатга учрамагани ҳақидаги баёнотини қўллаб-қувватлади. Ўтган йилнинг 31 октябрида юз берган мазкур ҳалокат оқибатида 217 йўловчи нобуд бўлган эди. Ўшанда АҚШ мутахассислари самолёт учувчилардан бирининг айби билан ҳалокатга учраган, деган тахминга келган эди. АҚШ миллий транспорт хавфсизлиги кенгаши раҳбарияти мазкур тахмин нотўғри эканлиги ҳақида баёнот берди.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Дунёдаги энг бадавлат киши ҳисобланган Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинд хайрия учун яна беш миллиард АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Шундай қилиб, Б. Гейтс оиласи ташаббуси билан тузилган хайрия жамғарманинг умумий маблағи 21,8 миллиард долларга етди.

Жамғарма маблағлари, асосан, хорижий мамлакатларда кам таъминланган болалар соғлиғини яхшилаш ва уларни ўқитиш мақсадида сарф этиб келинмоқда. Жумладан, жамғарма ўтган йилнинг ноябрида болаларни эмлаш учун 750 миллион доллар ажратган эди.

АҲОЛИ СОНИ КАМАЙМОҚДА

Статистик маълумотларга қараганда, Эстония аҳолиси сўнгги ўн йил ичида 126 минг кишига камайган. Мамлакатда туғилишнинг пастлиги ва хорижга кетувчилар сони кўпайганлиги аҳолининг камайишига сабаб бўлаётир. Жумладан, биргина 1992 йилнинг ўзида 35 минг киши Эстонияни тарк этган. Туғилишнинг борган сари пасайиб бораётгани мамлакатда ёшларнинг камайишига, қарияларнинг эса кўпайишига сабаб бўлмоқда, дейилади шу ҳақдаги маълумотда.

ҚЎЗГУ

ОЙДИНЛИК СЎҚМОҒИ

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш сари қўйилган қадамлар жойларда ўз самарасини бера бошлади. Узун туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги 1999 йил апрель ойида ширкат хўжалигига айлантирилган эди. Хўжаликдаги умумий 1056 гектар ер майдонидан 614 гектари пахта етиштириш мақсадида деярли тўлалигича оилавий пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилди. Натижа чакки эмас — йиллик режа ортиғи билан уддаланди.

Янгича ишлаш хўжалик аъзоларида ҳам янгича шижоатни уйғотди. Пиллачилик 103 фоизга бажарилди. Мавжуд 85 та қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланишга эришилди. Албатта меҳнатда унумдорликка эришиш тагида моддий манфаатдорлик ётади. 18 гектарга экилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари аҳоли хоҳишига қараб иш ҳақи ҳисобига тарқатилди. Аҳолининг оғирини енгил қилиш мақсадида моддий ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, яъни сартарошхона, пойафзал тузатиш, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш, чойхона ва бошқа кундалик эҳтиёж шаҳобчаларининг доимий ишлаши йўлга қўйилди.

Хўжалик марказида қурилган маҳалла гузари ўзининг замонавийлиги билан сер-файз. Ширкат хўжалигида ўн тўққиз минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг вақтини фойдали меҳнатга жалб этиш кундалик эҳтиёжини қондириш билан ҳал этилишини ширкат раҳбарлари тўғри англаб, ойдинлик сўқмоғидан ривожланиш сари, нурли келажак сари шаҳдам одимламоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида 2700 метр газ қувурлари тортилди, қишлоқларнинг 90 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланди.

— Хўжалигимизда 900 дан ошиқ ширкат аъзолари бор. Ўтган йили пахтакорларимиз ҳар гектар ердан 30 центнердан ортиқ пахта ҳосили олишга эришди. Қўйчиликни ривожлантириш мақсадида олдимизга қўйилган режа 102 фоизга бажарилди. Барча эътиборимизни ширкат аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигига қаратганмиз, — дейди «Гулистон» ширкат хўжалиги раиси Эркин Рамазонов.

Эл дарди, истагида меҳнат қилаётганлар ҳамиша эл назарида бўлишади. Мустақил ватанимизнинг пойдеворини яратиб бўлдик, эндиликда қураётган иморатимизнинг нечоғли мустаҳкамлиги фидоий меҳнатимизга боғлиқ. Эл назарида юришга интилиб яшаш нечоғли бахт.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Юсуф НОРТОЖИЕВ

КОРА ҚИЛМИШ

Бир балоси бўлмаса...

Қўшработлик Турсунбой Соипов мана уч йилдан буён, Каттақўрғон шаҳридаги туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг марҳум Сафар Эсонов ўлимига оид хулосаси ва шу асосда чиқарилган суд ҳукмидан норози бўлиб, турли идораларга мурожаат қилмоқда.

— Акамнинг ўлими сабаблари экспертиза томонидан қотилнинг айбини енгиллаштириш, шерикларини яшириш мақсадида атайлаб сохталаштирилган, — дейди Турсунбой аламли кўзларига ёш олиб. — Унинг танасидаги жароҳатларни ўз кўзим билан кўрдим, қариндошларимиз ҳам кўрди. Девдай паҳлавон йигитнинг мажақланган жағи ва боши, моматалоқ бўлиб, қонга беланиб ётган гавдаси ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Лекин биз кўрган мана шу жароҳатларга суд-тиббий экспертизаси берган хулоса мутлақо тўғри келмайди. Тандаги жароҳат излари билан жароҳат етказилган қуролнинг мутаносиб эмаслиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Аммо суд бунга эътибор бермади. Аксинча, суд-тиббий экспертизасининг икки сатрдан иборат мужмал хулосасини дастак қилди...

Турсунбойнинг гаплари кўп: тергов ҳаракатлари ва суд жараёни нотўғри олиб борилганини, жабрланувчининг ҳуқуқлари эътиборга олинмаганини куюниб-куюниб сўзлади. Биз унинг бу фикрлари қанчалик ҳақ ёки ноҳақ эканлигини таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Чунки, ҳар бир кишининг ўз мустақил фикри бор.

Гапни чўзиш ниятимиз йўқ. Шу боис жараёнларни баён этиб ўтирмаймиз. Мана қўлимизда шикоятчимиз норози бўлган Каттақўрғон шаҳридаги туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 1997 йил 19 январдаги 5-сон хулосаси. Уни экспертлар У. Маматқулов, Ф. Маҳмудовлар суд-тиббий эксперти ва К. Хидирова иштирокида ўтказишган.

Очиқ айтиш керак, хулоса рус тилида бийрон ёзилган. Мутахассис бўлмаган кишининг эътироз билдириши амри маҳол. Чунки, марҳумнинг танасида Турсунбой айтган тафсилотларнинг бари бор, барча жароҳатлар қайд этилган. Шундай экан, унга қандай шубҳа билдириш мумкин?

Шундай дейману, лекин кўнглимнинг аллақаерида шубҳалар саф тортаётганини сезмай қоламан: нега марҳумнинг танасида кураш, олишув белгилари яққол билиниб турса-да, экспертлар буни кўришмаяпти? Нега бадандаги жароҳатлар қандай жисм билан етказилгани ҳақида аниқ фикр билдирилмаган? Нега марҳумнинг бош қисмидаги жароҳат қотилликнинг ашёвий далили сифатида олинган болғача шаклига мос эмас? Умуман, нега экспертиза имкониятлари тўлиқ фойдаланилмаган?.. Ана шу ерда менинг кўнглимдан энг катта шубҳа қўланка солиб ўтади: буларнинг бари, Турсунбой айтгандай, атайин қилинмадимикин?

Афсуски, бу саволларга биз жўяли жавоб тополмаймиз. Аммо, суриштирув жараёнида бир далилга дуч келдикки, у бизни ҳушёр торттирди: Самарқанд вилоят ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бошқармаси судга оид тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Шомурод Абдуллаев берган маълумотга кўра, 1997 йил январь ойида Каттақўрғон шаҳар туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмаси ходимлари меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли ишламаган. Эксперт Ф. Маҳмудов вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг 1996 йил 25 декабрдаги 299-сон, Кимё Хидирова эса 1996 йил 26 декабрдаги 300-сон буйруқлари билан 1996 йил 31 декабрдан 1997 йил 28-29 январгача навбатдаги меҳнат таътилида бўлишган. Бу даврда шаҳар аҳолисига суд-тиббий экспертизаси хизматини кўрсатиш Каттақўрғон туман суд-тиббий бўлинмасига юклатилган.

Шундай экан, қўл узатса етгулик жой — туманда суд-тиббий экспертиза бўлинмаси бўла туриб, вилоят марказидан У. Маматқуловни, таътилдаги ходимларни чақириб олиш, ёпиқ турган бўлинмани очиш кимга ва нимага керак бўлиб қолди? Шу саволнинг ўзиёқ ўтказилган экспертиза хулосаларига шубҳа уйғотмайдими? Тўғри, агар шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлинмасини очиш ҳақида вилоят бюросининг тегишли кўрсатмаси ва таътилдаги ходимларни Меҳнат қонунлари асосида ишга чақириб олиш ҳақидаги расмий буйруқлар бўлганда эди, бундай гумонларга сира ўрин қолмасди. Афсуски, вақти-соати келиб бундай ҳужжат талаб этилишини, унингсиз ҳар қандай хулоса шубҳа остига олинишини экспертиза ўтказишни тайинлаган терговчи ва прокурор экспертизани амалга оширган тиббиёт ходимлари ўйлаб кўришмаган. Балки билишса-да, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолар қабилида иш тутишгандир. Бу эса бизга маълум ва машҳур мақолни бот-бот эслатади: бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур?

■ **Норбобо ШАКАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

«Қаршимда Ер шарин сурати турар...»

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЖАҲОН ХАВФСИЗЛИГИ САРИ

Янги аср остонасида инсоният ўз хавфсизлигини таъминлашнинг янги тамойилларига рағбат билдираётгани қувонарли ҳол, албатта. Чунончи, минтақавий хавфсизликдан умумбашарий хавфсизлик томон интилиш жаҳонда кечаётган кўплаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятига айланиб бормоқда.

Умуман, минтақавий хавфсизлик деганда муайян ҳудуддаги давлатлар миллий манфаатларига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни тугатиш, шунингдек, сиёсий, ҳуқуқий, мудофаа, иқтисодий ва ижтимоий-маданий барқарорликларни таъминлашдаги омиллар, шарт-шароитлар тизими тушунилади.

Бугунги замон эврилишлари шуни кўрсатяптики, алоҳида олинган мамлакатдаги беқарорлик шак-шубҳасиз минтақадаги вазият бузилишига олиб келади. Демак, танглик ҳолати вужудга келган давлатга қўшни бўлган мамлакатлар унинг қандай кечишини, қандай оқибатларга олиб келишини кутиб ўтирмасдан лозим чораларни кўришлари жоиз.

ХХ асрда халқаро муносабатларнинг йириклашуви ҳамда минтақалашуви юз берди. Шу ҳолатга мос равишда жаҳон ҳамжамияти минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлашга турли жиҳатлардан ёндашмоқда. Масалан, ЕХҲТ (Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти) доирасида умумевропа хавфсизлик тизимини таъминлашга ҳаракат қилинди. Тўғри, бундай ташкилотларнинг халқаро сиёсатга таъсири хусусида турли қарашлар мавжуд. Баъзи сиёсатчилар бундай халқаро ташкилотларни жаҳонда кучлар нисбатининг кўзгуси деб билишади. Яъни халқаро ташкилотлар энг аввало, йирик давлатлар манфаатлари учун хизмат қилади. Демак, мазкур муассасалар мустақил таъсирга эга эмаслар ва шунинг учун ҳам тинчликни сақлашнинг омили бўлолмайдилар. Бошқа нуқтаи назарларга кўра эса, бундай ташкилотлар муайян давлат сиёсатига маълум даражада таъсир кўрсата олади. Табиийки, бунда давлатлар бир-бировлари билан муloқотда бўлишнинг, фаолиятнинг умумбайналмилал йўллари ва услубларини қидиришга мажбур бўладилар.

Асримиз сўнггида кечаётган воқеликлар юқоридаги йўналиш халқаро ташкилотлар фаолиятининг асосига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Охирги ўн йилликда халқаро муносабатлар доирасига янги мустақил давлатларнинг келиб қўшилиши жаҳон хавфсизлик тизимида муҳим тамойиллар яратилишига туртки берди. Айни пайтда ушбу мамлакатлар ҳам хавфсизлик тизимида ўз ўринларига эга бўлиб бормоқдалар.

Халқаро сиёсий жараёнларнинг янги субъектлари бўлмиш янги мустақил давлатлар жаҳон хавфсизлик тизимининг турли ташкилотларига аъзо бўлиб кирдилар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолият ҳам кўрсатмоқдалар. Ушбу давлатларда табиий равишда Европадаги хавфсизлик бўйича турли халқаро ташкилотлар муайян ҳудуддаги можароларни бартараф этишда қандай аҳамиятга эга бўлаётганлиги, айрим ҳолларда нима учун кутилган натижаларга эришилмаётгани, бошқача айтадиган бўлсак, бундай халқаро структураларнинг ўзлари маълум даражада танглик ҳолатлари олди олинишига тўсқинлик қилмаяптими, деган саволлар пайдо бўляпти. Гап шундаки «Совуқ уруш» тугагандан сўнг кўпчилик халқаро ташкилотларнинг фаолиятлари мақсадга мувофиқ эмаслиги кўриниб қолди. «Совуқ уруш» даврида жаҳон хавфсизлик тизимида НАТО ва Варшава шартномаси сингари халқаро ташкилотлар мавжуд эди. БМТ, ЕХҲТ эса тинчликни таъминлашда асосий вазифани бажарарди. Икки улкан ҳарбий сиёсий блокка кирувчи мамлакатлар учун умумий душман, умумий хавф, умумий таҳдид аён ва шунга кўра жамоа бўлиб ҳимояланиш тамойили мавжуд эди.

«Совуқ уруш» даври тугагандан сўнг дастлаб икки ҳарбий блокнинг зарурати бўлмай қолди. Шунинг учун Варшава шартномасига кирувчи мамлакатлар ташкилоти тарқаб кетди. НАТО эса ўз фаолиятини ислоҳ қилмоқда. Икки қарама-қарши қутб тизимига асосланган сиёсатнинг бузилиши кучлар мувозанатининг ўзгаришига олиб келди. Оқибатда жаҳон сиёсатида янги тамойиллар келиб чиқа бошлади. Бу тамойиллар қуйидагиларда кўринмоқда.

Биринчидан, дунёнинг турли бурчакларида минтақавий хусусиятга эга зиддиятлар, можаролар, янги оловли нуқталар вужудга келмоқда.

Иккинчидан, халқаро тероризм, халқаро жиноятчилик фаолият кўрсатаётган мамлакатлар, минтақалар пайдо бўлмоқда.

Учинчидан, сепаратизм, сепаратик руҳдаги сиёсий кучлар пайдо бўлди ва ривожланиб бормоқда.

Тўртинчидан, халқаро наркобизнес, халқаро қурол-яроғ савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар пайдо бўлиб, улар фаолиятининг байналминаллашуви кучаймоқда.

Бешинчидан, диний ақидапарастликка, фанатизмга асосланган кучларнинг фаолияти ривожлана бошлади. Турли минтақаларда диннинг сиёсийлашуви авж олмоқда.

Олтинчидан, ХХ асрнинг 80-йилларида ядро, оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш хавфи бироз камайган бўлса-да, кейинги вақтларда бўлаётган воқеалар бундай хавф буткул йўқолиб кетмаганлигини кўрсатмоқда.

Еттинчидан, айрим ҳудудлардаги миллатлараро тортишувлар давлатларнинг ҳудудий бутунлиги тамойилига путур етказди. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда қўлланиладиган барча тинч воситалар (музокаралар ва бошқалар) самарадорлиги эса деярли йўққа чиқмоқда. Натижада баъзи ҳолларда келишувлар ўрнини қурол-яроғ, куч билан, зўрлик билан муаммони ҳал қилишга ружу қўйилмоқда. Демак, хавфсизликка таҳдид йўқолиб кетмай, янги, бошқача кўринишда бўй кўрсатмоқда. Бу эса ушбу хавфни жамоа мудофааси орқалигина енгиш мумкинлигини, агар таҳдидларни бартараф этиш механизми топилмаса оқибати ҳунук бўлишини ойдинлаштирмоқда.

Европада минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича ушбу йўналишда тўпланган ҳамда янгитдан шаклланаётган тажриба ҳам диққатга сазовордир. Фикримизча, хавфсизликнинг янги тизими аввало жаҳонда рўй берган ўзгаришларнинг ортга қайтмаслигини тан олишга ҳамда Европадаги ва Трансатлантик тузилмаларнинг (НАТО, ЕХҲТ, Европа кенгаши ва бошқалар) аста-секинлик билан ягона Европа хавфсизлик тизимидаги бир-бирини тўлдирувчи унсурлар сифатида ривожланишига асосланиши керак. Чунки, ушбу хавфсизлик тизимига кирувчи давлатлар — иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-техник ривожланиш даражасидан, потенциалидан қатъий назар тенглиги эътироф этилган. Уларнинг ҳар бирининг манфаати ҳисобга олиниши, бир давлатга нисбатан пайдо бўлган хавфга уюшмага аъзо мамлакатларнинг ҳаммаси учун хавф сифатида қараш тамойилига таянилган.

Бугунги кунда Европада жамоавий хавфсизлик ҳамда мудофаани таъминлаш НАТОнинг асосий вазифаси, деб қаралмоқда. Ҳозирги пайтда НАТО ўзининг Бирлашган қуролли кучларига (БҚК) кенг қамровли тинчлик ҳаракатларини амалга оширувчи куч сифатида қарамоқда. Яъни, Европадаги у ёки бу давлатга нисбатан тажовузларни бартараф этиш билангина машғул бўлмай, балки уларнинг олдини ҳам олади. Бу борада НАТОнинг собиқ Югославия, Косовода тинчлик ўрнатиш учун қилган ҳаракатларини мисол қилиб келтириш мумкин. НАТО Марказий ва Шарқий Европадаги барқарорликни таъминлаш ҳамда мазкур ташкилотга кириш учун мурожаатлар кўпайиб кетишига жавобан Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши (ССАС)ни тузди. Бу кенгаш 1995 йил, НАТО янги концепциясини қабул қилгандан сўнг ўз фаолиятини бошлади. Кейинроқ НАТОни кенгайтириш масаласи ҳал бўлди ва унга Польша, Венгрия, Чехия аъзо бўлиб кирди.

НАТО билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган давлатларга «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури таклиф этилди. Бу дастурга кўра, кўпгина давлатлар НАТОнинг ҳарбий-сиёсий институтлари билан техник жиҳатдан яқинлашади, бироқ шу билан бир қаторда Вашингтон шартномасининг 5-бандига кўра, жамоа мудофаа кафолати ушбу давлатларга татбиқ этилмайди.

Кўриниб турибдики, Европа ҳамжамияти у ёки бу даражада минтақавий хавфсизлик тизимини яратган. Ушбу минтақавий хавфсизлик таркиби дунёнинг бошқа бурчакларидаги барқарорликка таҳдидларни бартараф этишда иштирок этишга ҳам ҳаракат қилмоқда. Масалан, СССР тарқаб кеттандан сўнг собиқ иттифоқдаги давлатларнинг умумевропа жараёнига тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлишлари Европада минтақавий хавфсизликни таъминлаш фақат Европа минтақасидаги вазиятга эмас, балки Европа атрофидаги, шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказдаги вазиятга боғлиқлиги тан олинганлигини билдиради.

НАТО, умуман олганда, минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўналишидаги ёндашувнинг ҳарбий-стратегик иттифоқидир. Шуни таъкидлаш керакки, қандайдир ноаниқ таваккал, умумий қадриятлар эмас, балки аниқ ва равшан хавфларгина давлатларни ҳарбий иттифоқларга бирлаштириши мумкин. Демак, маълум даражада мос тушувчи манфаатлар ҳамда ютуқ ва ютқазишларнинг аниқ ҳисоб-китобигина турли иттифоқларнинг асосини ташкил этиши мумкин. Бундан ташқари, ташқаридан бўладиган таҳдид ҳамма қатнашчилар томонидан яқдиллик билан жиддий қабул қилиниши лозим, ҳар қандай иттифоқларда бўлгани каби марказдан қочувчи кучларни сақлаб қолиш ҳам керак бўлади. Кўпинча мазкур ҳолат у ёки бу қатнашчининг можароларга тортилиб қолиш ёҳуд ўзига нисбатан хавф пайдо бўлганда яккаланиб қолиш хавотиридан юзага келади.

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳридаги (1999 йил 16 февраль) террорчилик актлари, Доғистон ва Чеченистондаги террорчиларнинг фаолиятлари, Россиянинг марказий шаҳарларида амалга оширилган кўпорувчилик ҳаракатлари, Қирғизистон жанубидаги воқеалар, яқиндагина Тошкент вилоятида содир этилган жиноятлар Марказий Осиё ҳудудининг хавфсизлигига ислом экстремизми ва халқаро тероризм таҳдид солаётганлигини аниқ-равшан кўрсатди. Ушбу таҳдидлар фақат Ўзбекистонга нисбатан қаратилмаган, албатта. Зеро, ушбу ҳаракатлар орқасида турган ёвуз кучлар Кавказдан бошлаб, Марказий Осиёгача бўлган улкан ҳудудда ақидапарастликка асосланган диний давлат тузмоқчилар. Улар шу мақсадда ҳудуддаги асосий нуқталарга ҳужум уюштирмоқдалар.

Чечен террорчиларининг Доғистон ҳудудига бостириб кириши бир ҳақиқатни яна исботлади, яъни агар ёнингда, ён қўшни давлатда антиконституцион кучлар, можаролар бўлиб турса, ҳеч бир мамлакат ўзини хавфсиз, деб ҳисоблай олмайди. Бундан ташқари, Чеченистондаги воқеалар таҳлили шуни кўрсатяптики, бу жараёнда бевосита ҳарбий ҳаракатлардан ташқари бошқа муаммолар ҳам вужудга келади. Масалан, Россия бир томондан ўз давлат ҳудудида террорчиларга қарши кураш олиб борса, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти томонидан кучли қаршиликка учради. Ёки Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган террорчилар «кимларнингдир» ёрдамида, ўзаро келишувлар асосида яна қайтиб кетишини олиб кўрайлик. Бу ҳолатлар ўз навбатида экстремистларни ғоявий-маънавий қўллашдан ўзга нарса эмас.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **бугунги кунда халқаро тероризм ва ислом экстремизми Марказий Осиё, МДҲ, қолаверса, бутун дунёга хавф солмоқда.**

Умуман олганда, жаҳон хавфсизлик тизимида минтақаларнинг аҳамияти ошиб бораётган бўлса, минтақавий хавфсизликни таъминлашда эса ўзининг геополитик, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий салоҳияти билан фарқ қилувчи давлатлар ҳозирги халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи унсурига айланмоқдалар. Шунинг учун биз Марказий Осиёга нисбатан хавф ва унинг олдини олишни Ўзбекистон мисолида таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Юртимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Ҳар бир мамлакат тарихида унинг кейинги тараққиётини белгилаб берувчи бурилиш нуқталари бўлади. 1991 йили мустақилликни қўлга киритишимиз мамлакатимиз тараққиётини ижобий йўналишга буриб юборди. Бу бурилишдаги асосий нуқта, аввало, ўз сиёсий йўлимизни, ўз тараққиёт йўлимизни, ўз ривожланиш стратегиямизни тўғри танлаганимиздир. Бу эса ўз навбатида давлатга, халққа, алоҳида шахсга нисбатан мавжуд хавф ва таҳдидларни билишга, ким дўсту ким душманлигини ажратишга имкон берди ва шулар асосида хавфсизликнинг ўзига хос тизими яратилди. Кейинги саккиз йил давомида Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланиб, халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тўлақонли субъектига, минтақада етакчи давлатга айланди, минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори сифатида дунё мамлакатлари орасида салмоқли обрўга эга бўлди.

Бошқача айтадиган бўлсак, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида юқоридаги ҳолатлар янги бурилиш нуқтасини вужудга келтирди, яъни бизнинг шу кунгача давлатчилик, бозор иқтисодиёти, ташқи сиёсат бўйича тўплаган барча ютуқларимиз ХХI асрдаги йўналиш, тараққиётимизнинг янги босқичига замин тайёрлади.

Бундан кейинги тараққиётимиз жаҳон ҳамжамияти билан узвий боғлиқликда кечади. Жаҳон сиёсат майдонида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичи давлат ва жамиятдан жуда катта масъулият талаб қилади. Зеро, эндиликда мустақиллик ютуқларини фақатгина сақлаб қолмасдан, уни янги босқичга олиб чиқиш керак. Демак, ушбу жараённинг хавфсизлик тизими ҳам яратилиши лозим. Фикримизча, ушбу тизимни яратишда қуйидаги омил ва шароитларга эътибор берилиши керак.

Биринчидан, бугунги кунда жаҳон хавфсизлик тизимининг янги марказлари пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон шундай марказлардан бирига киради. Ушбу марказдаги давлатларнинг тараққиёт йўллари, улар ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашуви ушбу минтақанинг жаҳон хавфсизлик тизимида қандай ўрин эгаллашини белгилаб беради. Ўзбекистон шу масъулиятни сезган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан ушбу минтақадаги муаммолар жаҳон ҳамжамиятига олиб чиқилмоқда, уларни ечиш йўллари қидирилмоқда. Марказий Осиё ҳудудининг ядросиз зона, деб эълон қилиниши ҳам бунинг исботидир. Таассуфки, атрофимиздаги айрим давлатлар учун биз танлаган йўл мос эмас. Улар бизни йўлимиздан қайтариб, ўзларининг йўлларига солиб юборишга ҳаракат қилмоқдалар. 2-3 йил елдин бу ҳаракатлар яширин, кўзга кўринмас ҳолда олиб борилган бўлса, ҳозир улар очиқдан-очиқ кураш йўлига ўтдилар. Бу мақсадга эришиш йўлида улар террорчилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Айни пайтда улар ёшларимиз онгини ўзларига бўйсундириш мақсадида ғоявий кураш олиб бормоқдалар. Бу ғоявий кураш асосан ОАВ, текин варақалар, китоблар орқали турли ахборотларни тарқатиш орқали олиб борилмоқда.

Иккинчидан, геополитик жиҳатдан Ўзбекистон атрофида можаролар маркази бўлган ва бўлиши мумкин бўлган давлатлар бор. Бу аввало Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятдир. «Совуқ уруш» даврида ушбу ҳудудга собиқ СССР қўшинлари киритилгандан сўнг Афғонистоннинг геополитик мавқеи ўзгариб, икки қутбнинг ҳарбий-сиёсий, ғоявий жиҳатдан кесишган минтақасига айланди. Ҳудуддан собиқ совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгандан сўнг эса фуқаролар уруши кучайиб кетди. Ваҳоланки, ҳозирги кунда ҳам Афғонистонда тинчлик бўлишини хоҳламаётган кучлар мавжуд. Улар ўзаро жанжаллашаётган томонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар. Кейинги вақтларда ушбу минтақа халқаро терроризм ва диний экстремизм марказига айланди. Диний экстремистлар ва халқаро террорчилар Марказий Осиё давлатларини ҳам ўз таъсир доираларига тортмоқчилар. Чунки, уларнинг шундай ёнгиналарида кучли дунёвий давлатлар пайдо бўлиши асло қониқтирмайди. Халқаро террорчилар ва диний экстремистларнинг асосий мақсади — наркобизнес, қурол-яроғ бозори орқали катта фойда олиш ҳамда бунинг учун аввалambор Афғонистондаги кескин вазиятни сақлаб туриш.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан аввало бизнинг халқимиз, мамлакатимиз манфаатдор. Афғонистондаги вазиятни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Президенти И. Каримов ушбу масалани БМТ доирасига олиб чиқди. «6+2» гуруҳи фаолияти ва унинг Тошкентда ўтказган йиғилиши, «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси» қабул қилиниши, Афғонистон бўйича вазиятни янгича талқин қилиш Ўзбекистон томонидан таклиф этилганини бутун жаҳон жамоатчилиги тан олди. Ўзбекистоннинг бу йўлдаги ташқи сиёсати аввалambор халқнинг, мамлакатнинг эҳтиёжидан, манфаатларидан келиб чиқиб олиб борилаётир. Лекин, бу йўлда ҳали анча ишлар қилиниши керак. Афғонистондаги, умуман ушбу ҳудудлардаги можароларни ҳал қилишда, давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишда Марказий Осиё давлатларида янгитдан сайланган парламентларнинг роли катта бўлиши табиийдир.

Учинчидан, ҳозирги давр жаҳон сиёсатида кучсиз давлат билан ҳисоблашилмайди. Бошқача айтадиган бўлсак, жаҳон жараёнларида иштирок этаётган мамлакат ўзининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ижтимоий салоҳияти билан фарқ қилибгина қолмасдан, балки ушбу омиллардан унумли фойдалана олиши ҳам лозим. Шундай мамлакатлар борки, юқоридаги омиллар уларда хаддан ташқари кўп, лекин булардан самарали фойдалана олмаганлари сабаб бошқа мамлакатлар таъсирига тушиб қолганлар. Албатта, ҳозирги кунда кучли давлат томонидан кучсизларга таъсир этиш олдингисидан фарқ қилади. Эндиликда фан-техника тараққиёти, жамиятдаги демократик ривожланиш ушбу жараённинг янги шаклларини берди. Айтайлик, қайсидир мамлакатга таъсир этмоқчи бўлганлар бу йўлда ўша мамлакатдаги тузумга қарши бўлганларни, тузумга қарши бўлган ОАВ, ҳаттоки, жиноятчиларни турли йўллар билан айрим халқаро ташкилотлар қарамоғига, ҳимоясига олишади-да, сўнг улар фаолиятидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар.

Албатта, айни вақтда ҳар бир мамлакатга ўз-ўзи учун курашиш имконияти яратилган. Шу курашда ўз манфаатингизни ҳимоя қила олсангиз сизни ҳурмат қилишади, сиз билан ҳисоблашишади.

Дунёда ягона, доимий кучли давлат бўлиши мумкин эмас, кучлар нисбатан доимо ўзгаришда бўлади. Муҳими шу ўзгаришлар жараёнида ўз жойингни топа билишда. Ўзбекистон жаҳон ўзгаришларида ўз манфаатларини ҳимоя қила олди ва кучлилар орасидан ўз жойига эга бўлди. Лекин, атрофимизда шундай давлатлар борки, улар ҳали бери ўз-ўзини ҳар томонлама таъминлаб олмайдилар. Бунинг ўзига хос салбий томонлари бор.

Бешинчидан, атрофимизда ўз манфаатлари билан тўқнашган давлатлар мавжуд. Хавфсизлигимизни таъминлашда ушбу давлатлар билан олиб борилаётган муносабатларнинг ҳуқуқий асоси катта роль ўйнайди. Шунинг учун халқаро сиёсий қоидаларни, халқаро ҳуқуқ меъёрларини билган ҳолда, миллий манфаатлар асосида ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, мустақилликнинг саккиз йили давомида бу йўлда кўп ишлар қилинди, анча муваффақиятларга эришилди. Давлатлар билан миллий манфаатлар асосида икки томонлама, кўп томонлама муносабатлар ўрнатилди. Муносабатлар кундан-кунга ривожланиб ҳам бораяпти. Лекин, ушбу муносабатларни юқори даражага олиб чиқишга халақит бераётган омиллар ҳам пайдо бўлмоқда. Чунончи, Ўзбекистоннинг янги мавқеини менсимасликка, унинг обрўсини туширишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳолларда шовинистик овозлар янграмоқда.

Олтинчидан, геополитик ва геостратегик жиҳатдан Марказий Осиё давлатлари бир томондан ядро қуролларига эга бўлган мамлакатлар, иккинчи томондан ядро қуролига эга бўлишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар қуршовида жойлашган. Минтақавий хавфсизликни таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ушбу омилни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш учун ёвуз кучлар қандай шарт-шароитлар ва омиллардан фойдаланади?

Аввалambор ёвуз кучлар минтақадаги давлатлар ўртасидаги, шу жумладан, мафкуравий ва тарғибий ҳужум таъсирида сунъий яратилган барча келишмовчиликлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Миллий ва этник қарама-қаршиликлар ҳам диний экстремистларга қўл келади. Бу кучлар турли халқаро молия ва бошқа ташкилотлар томонидан муайян мамлакатга тазйиқ ўтказишни сўрашлари мумкин.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, умуман олганда, бу жамоавий хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар тизимидан иборатдир. Жамоавий хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий механизмларини яратиш бўйича янада самаралироқ фаолият олиб бориш шарт. Бундан ташқари, диний экстремист жангарилар жойлашган назоратсиз ҳудуд мавжуд экан, ўша минтақага террор хавф солиб туравериши тайин.

Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан бири чегараларни қайта белгилашга барҳам беришга қаратилган янги хавфсизлик тизимини яратишдир. Бу ҳолат чегараларга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва экологик нуқтаи-назардан янада ойдинлик киритади. Давлатларнинг аста-секин яқинлашуви ҳисобига босқичма-босқич минтақавий (энг аввало умумевропа) ва минтақаларо (евроосиё) интеграция жараёнларига катта эътибор қаратилмоғи лозим.

Афсуски, ҳозирги вақтда бундай тизим яратилиши тамойиллари хусусида умумий қарашлар ҳам деярли мавжуд эмас. Назаримизда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор ишлар бор: аввалари ўзаро душманлик кайфиятида бўлган давлатлар ўртасидаги сиёсий ишончсизлик қолипларидан қутулиш керак: биргаликда ва холислик билан ҳарбий хавфларнинг характери ва даражасини баҳолаш; мутахассислар ва экспертлар мулоқоти учун ягона терминологияни яратиш, миллий ва минтақавий (Европа, Осиё) ҳарбий доктриналарни ўзаро келишган ҳолда белгилаш; ҳар бир минтақа учун стратегик разведка тизими доирасида бирлашган ҳарбий хавфсизликнинг моддий ахборот унсурларини, шунингдек, бирлашган ҳаво ҳужумидан ҳимоя тизими ва тез ҳаракатланувчи кучлар умумий гуруҳини яратиш; санаб ўтилган барча кучларни кейинчалик глобал хавфсизлик тизимига интеграциялашувини таъминлайдиган тинчликпарварлик акциялари тизимини ишлаб чиқиш.

Халқаро хавфсизлик тизими самарадорлигини миллий хавфсизлик тизимларининг интеграциялашувисиз таъминлаб бўлмайди. Шу боисдан ҳам, чегара олди ҳамкорлигини кенгайтириш ва фаоллаштириш долзарб бўлиб бормоқда. Бу масаланинг МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари учун долзарблиги исбот талаб қилмайди. Унинг ўзаро мақбул кўринишда ҳал этилишидан барча МДҲга аъзо мамлакатлар манфаатдор. Айни пайтда ҳамкорликнинг рационал шакл ва тузилмаларини доимо излашимиз керак.

■ Бехруз АСОМИДДИНОВ

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир. Бу ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз керак.

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим.

ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

Табаррук отахонимиз Саид Наби ҳожи Нажмиддинов ўз ғазалиётида умрнинг ўткинчилиги, қисқа фурсатни ғаниматт билиб, тириклиқ қадрига етиб ёмондан ҳазар қилмоқни уқтирадилар.

Ушбу панд-насиҳат йўлида битилган ғазал сизларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

ЎТАР КЕТАР

Умр ғаниматт, эй азиз, бизга бу он ўтар кетар,
Тан ушалиб, бу хок аро руҳи равон ўтар кетар.

Қилма шикоят ўзгадан, бурма юзингни кўзгудан,
Фасли баҳор бир нафас, тушса хазон ўтар кетар.

Беҳуда ўтса бир нафас жон қуши тарк этур қафас,
Вақтида қил ибодатинг вақти азон ўтар кетар.

Домига солса нафс агар кўзга кўринмагай зарар,
Сувга тушиб қуруқ қолиб у нотавон ўтар кетар.

Олуда қилма қалб ўйин, гарду ғубор юқмасин,
Покиза бўлса қалб агар чангу тўзон ўтар кетар.

Умр бу ҳақ мурувватти, бизга атойи неъмати,
Беғараз ўлса нияти суду зиён ўтар кетар.

Таом есанг қўлингни юв, поклик учун берилди сув,
Мушк таратса тотли бу, оби равон ўтар кетар.

Ўнг қўл ила ҳамиша сен чапдагисин ҳимоя қил,
Ўнг қўл ахир баланд турур, элга аён ўтар кетар.

Воқиф, ўзингга бу савол, мева берибди қай тол,
Турли ари, бирида бол, захми тикон ўтар кетар.

■ Саид Наби ҳожи НАЖМИДДИНОВ



Қаҳқаҳа

Владимир ПАНОВ олган сурат

«БИРОВНИНГ БОШИНИ ҚОТИРИШ ҲАМ ОСОНМАС»

Фозилжон Ориповни кўпчилик яхши танийди. Чунки бир қатор нуфузли газета ва журналларда (шу жумладан «Ўзбекистон овози»да ҳам) у тайёрлаган кроссвордлар мунтазам бериб борилади. Уни айримлар ҳазилнома қилиб «Бош қотирадиган одам» дейишса, бошқа бировлар эса «Кроссвордлар қироли» деб таъриф беришади.

Бундай олиб қараганда униси ҳам, буниси ҳам тўғри. Яна аниқлик киритиб айтадиган бўлсак, Фозилжон сизу бизга бўш соатларимиз, хордиқ чиқарадиган дамларимиз учун «иш» топиб берадиган ижодкор. Ижодкор бўлганда ҳам изланувчан, тиниб-тинчимайдиганлар хилидан.

У кишининг таҳririятларга келиб-кетишлари ҳам қизиқ. Жуссаси кичкина эмасми, эшикни секин очадилар-да, ним табассум билан эшитилар-эшитилмас салом-алик қиладилар. Сўнгра қўлидаги «маҳсулоти»ни узатиб, тезда (ё ўзининг иши кўплигидан ёки бўлмаса газетачиларга халақит бермасликни ўйлайди шекилли) ғойиб бўладилар.

Табиийки, таҳririятга қолдириб кетган ҳалиги «маҳсулоти» кўпчиликнинг бошини қотирадиган кроссвордчайнворд. Соддалаштириб айтадиган бўлсак, Фозилжоннинг ижод маҳсули фойдали бошқотирма бўлиб, у ақлни чархлайди, зеҳнни ўткирлайди, тафаккур доирасини кенгайтиради, турфа оламнинг сирли-синоатли сўқмоқлари сари етаклайди.

Фозилжон хушфеъл, камгап инсон. У бошқотирманинг янги-янгиларини, оҳори тўкилмаганларини «кашф» этгани-этган. Ўзи ҳам тинмайди, газетхону журналхонларни ҳам тинч қўймайди. «Чўлпон» нашриётида унинг «Ҳарфлар ўйини» номли китоби лотин алифбосида чоп этилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Тунов куни ярим ҳазил, ярим чин сўраб қолдик:

— Фозилжон, одамларнинг бошини қотиришни «касб» қилиб олганингизга неча йил бўлди?

— Э, сўраманг, 26 йилдан ошди.

Кейин гапни улаб кетдилар.

— Биласизми, бошқаларнинг бошини қотириш, ўйлантириш учун аввал ўзимнинг бошимни обдон қотиришимга тўғри келади. Шу боис, кўп ўқийман, изланаман, тарихий манбаларга мурожаат қиламан. Очиғи, китоб-журналларни, газета таҳламларини титкилаганим-титкилаган. Телевизор кўришни, радио эшитишни бирор кун ҳам канда қилмайман.

Ҳа, республика кўзи ожизлар марказий кутубхонаси директорининг ўринбосари Фозилжон Орипов ана шу ноёб ҳунари билан эл-юртга танилди, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Фозилжоннинг мўъжазгина ижодхонасида кечалари алламаҳалгача чироқ ўчмайди. Керак бўлса ширин уйқусидан кечиб ижод қилади.

Уни «жонли тарих», деб таърифлашларида ҳам маълум маъно бор. Чунки кўп нарсани билади, кўп нарсадан хабардор, фикрлаш, мушоҳада юритиш доираси кенг.

У юрганда ҳам, турганда ҳам ижод билан банд. Қачон, қаерда хаёлига бир фикр, бир янгилик келса, уни ўша заҳотиёқ қоғозга туширади, шакл-шамойилини чизади. Турли йўналишлардаги катакларни бир маъно, атама ҳосил бўлишига хизмат қиладиган ҳарфлар билан тўлдириб чиқади.

Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Умрининг эллигинчи баҳорини қаршилаётган том маънодаги ижодкор Фозилжон Орипов бу сермашаққат юмушнинг уддасидан чиқиб келаяпти.

■ Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

«ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. Оддий ҳарбий хизматчи. 2. Олисдаги самолёт, кема манзилини аниқлаш қурилмаси. 3. Муҳандислик қўшинлари аскари. 4. Соҳибқирон Амир Темур қўшинида жанг олдидан қилинган чақириқ. 5. Ўқдон анжом. 6. Кичик аскарий бўлинма. 7. Қуролни алангатувчи модда. 8. Мамлакат ҳарбий кучлари мажмуи. 9. Фазога отилганда ранг-баранг товланувчи ўқ. 10. Қўшинларнинг тантанавор юриши. 11. Ҳарбий ишларда қўлланиладиган оптик генератор. 12. Жанг ҳаракатлари борувчи ҳудуд. 13. Жанг ва тайёргарлик манбаи. 14. Душмандан сақланиш воситаси. 15. Ахборотни қабул қилувчи ва тарқатувчи қурилма. 16. Халқ ҳикматидан: «...тинчлиги — жонлар ҳаловаті». 17. Айланма барабанли тўппонча. 18. Учи ўткир қурол.

Шакл атрофида занжир ҳолида:

19. Қадимий тошотар қурол. 20. Ватанимиз ҳарбий доктринасида белгиланган уруш олиб бориш воситаларини йўқотиш, уларни камайтириш сиёсати. 21. Қўшинларни бошқариш ташкилоти.22. Артиллерия бўлинмаси. 23. Мақолдан: «Ботирнинг мушти ҳам» 24. Зафар, муваффақият. 25. Ҳарбий қурол тури. 26. Артиллерия қуроли. 27. Милтиқ ўқи. 28.Ўқ узиш учун мўлжалга олинган нарса. 29. Қадимий ҳарбий хизматчи. 30. Ҳарбий ишларда қўлланиладиган снаряд, учиш қурилмаси. 31. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат кўрсатган ўзбек мўйқалам устаси, қаҳрамон. 32. Мамлакатимиз ҳарбийлари нашри. 33. Аскарий бўлинма. 34. Ҳаво йўллари иншооти. 35. Зирҳли ҳарбий техника. 36. Бир неча дивизиядан иборат йирик ҳарбий қўшилма. 37. Олий ҳарбий билим юрти жойлашган Ўзбекистондаги шаҳар. 38. Давлатнинг ҳарбий соҳага оид сиёсат тизими баён этилган ҳужжат. 39. Қўшин тури. 40. Энг кучли, қирғин келтирувчи қурол. 41. Ўзбек устоз саркардаларидан бири.

Муаммонома

Жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг.

41-9; 2-4; 35-1; 27-2; 29-1;
41-2; 39-4; 6-1; 12-1; 1-2; 8-4; 7-1; 11-1; 15-4; 17-3; 19-7.
3-3; 20-4; 37-1; 14-5; 4-4; 16-5; 17-3; 9-4.
21-4; 13-3; 23-4; 31-5; 38-6; 5-5. Улардан Шарқ халқ ҳикматли сўзларидан бири аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«Табиат» ўйланмасининг жавоблари:

Бўйига: 1. Лаққа. 2. Бошоқ. 3. Товуқ. 4. Ловия. 9. Оқтош. 12. Ўрмон. 15. Булут. 16. Зомин. 17. Ўтлоқ. 22. Боғ.

Энига: 3. Тол. 6. Қуёш. 7. Чўл. 8. Чой. 10. Қоя. 11. Дўл. 15. Бўр. 18. Кўл. 20. Оҳу. 21. Луб. 23. Тоғ.

Диагонал бўйича ўнгга:5. Ғалла. 13. Коала. 14. Товус.

Диагонал бўйича чапга: 5. Ғунча. 13. Какку. 14. Турон. 19. Тўти.

Муаммонома:

Очқич сўзлар: 1. Жиблажибон. 2. Дўлана. 3. Йўлбарс. 4. Хина. 5. Юмронқозиқ. 6. Тонг. 7. Саъва.

Ҳикмат: *Табиат — мўъжизалардан иборат. Табиатга қилинган бир саҳоват юз бўлиб қайтади.*



Тошкент шаҳридаги «Ихлос — Машҳур» масъулияти чекланган жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 173-35-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Аброр Ҳидоятов номли 173-ўрта мактаб томонидан 1999 йил 19 июнда Шавкат Ғофуров номига берилган № 571598 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЧЎПЧАК

ҲАЖВИЯ

Уйдан кўчага чиқсам, қишлоғимизда Ғиёс ака бўш қопни қўлтиғига қистириб олганча келаяпти.

— Ҳорманг, Ғиёс ака! Биринчи скоростга тушиб қолибсизми? — дедим у кишининг одатда тез юришига шаъма қилиб. Ғиёс ака:

— Бозордан, мулла Абдураҳмон, бозордан, - дея жавоб қайтарди.

— Нима сотдингиз?

— Эй-й, сенлар барибир уддасидан чиқолмайсанлар.

Жавоб сирлироқ эшитилди. Қарасам, Ғиёс ака йўлида давом этаяпти.

— Тўхтанг, Ғиёс ака, балки сотган нарсангиз биздаям бордир. Бизам сотиб, бола-чақага у-бу нарса харид қилсак ёмон бўлмасди.

— Айтдим-ку, қўлингдан келмайди, деб. Нима қиласан қўлингдан келмайдиган ишга бурнингни тиқиб?

— Ака, сиз бекорга "уддабурон" деган ном олмагансиз. Бизгаям бир йўл-йўриқ кўрсатсангиз, ўлибдими, қўлимиздан келиб қолар. Одам ўлдириш, ўғирлик қилиш бўлмаса бўлгани, бошқа ҳамма нарсани сидқидилдан қиламиз, ака. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку, — дедим зора сирини ошкор қилса деган умидда.

Ғиёс ака аввал у ёқ бу ёққа қаради, сўнг мовий кўзларини пир-пиратиб:

— Биласанми, бозорда тошбақа пул бўлибди, — деди.

— Тошбақа?! — ҳайрон бўлдим мен.

— Ҳа, тошбақа. Бу сирни фақат сенга айтаяпман. Ундаям укамдай бўлиб қолганинг учун. Ўлай агар, бошқа бўлганда айтмасдим. Ҳали қишлоқдагиларниям ҳеч қайсиси билмайди.

— Қанча экан?!

— Тошбақами? Эркаги минг сўмдан зиёд. Урғочиси, кейин сал майдароқлари 850-900лар атрофида.

— Ўзиям икки халта сотдим. Хитойларми, японларми ундан дори тайёрлаётган эмиш.

— Йўғ-э!

— Ишонмасанг, бозорни кўр. Ҳа, яна бирортага оғзингдан гуллаб қўймагин. Бозор касод бўлади, — деди у менга айёрона боқиб.

— Ҳеч кимга айтмайман, хавотир олманг. Сиз яна қачон бозорга борасиз?

— Агар эртага кечгача 15-20 та топсам индинига чиқаман, — жавоб қилди у қошларини чимириб.

— Унда мен ҳам ҳаракатимни қилаверай...

— Фақат ими-жимида...

— Бўлди, гап йўқ. Бирга бозорга борамизми?

— Йўқ, яхшиси бозорнинг ўзида кўришамиз. Айтганларим эсингдан чиқмасин-а, сенга ишондим. Бўпти, мен кетдим, — дея у мен билан хўшлашди.

Мен унинг ортидан қараб турарканман, аввалига эшитганларимга ишонмадим. Кейин бу ерда бир гап бор-ов, деган тусмол миямга яшин тезлигида урилди-ю, шартта ортга бурилдим-а, сенга ишонмад